



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 189 (9.992)

2003 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРЬ

ҚИСҚА САТРАДА

● КЕЧА Юнусобод туманидаги Абулқосим Фирдавсий номли маҳаллада «Адолат» нашриёти ташаббуси билан кутубхона очилди.

● БУГУН уюштирилган туман ҳокимликлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари мутахассисларнинг ўқув семинари «водопровод канализация тармоғига улашиш ва таъминоти юкларининг ҳисоб-китобини расмийлаштириш» мавзусига бағишланди.

● БУГУН Чилонзор туманидаги 270-ўрта мактабда мамлакатимизга сифатсиз ва контрабанда йўли билан товарлар олиб келинишига қарши кураш бўйича қўйилган вазифаларнинг бажарилишига бағишлаб ўтказилган тадбирда Усмон Юсупов номли маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

НАТО ва Ўзбекистон: ХУРУЖЛАРГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

Яқин вақтга қадар худуди жиҳатидан катта бўлган Марказий Осиё минтақаси учун халқаро хавфсизлик харитасида фақат кичик ўрин ажратилгандек туюлган эди. Аммо бугун Марказий Осиё муҳим стратегик аҳамият касб этган минтақа сифатида тобора кенг эътироф этилмоқда. Муносабатдаги бундай бурилиш сўнги икки йил давомида халқаро хавфсизлик вазиятида юз берган туб ўзгаришларни акс эттиради. Бу ўзгаришлар эса халқаро ҳамжамиятни сайёрамизнинг турли бурчакларида хавфсизликни янги йўللار билан таъминлашга ундамоқда.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ўз хавфсизликлари учун жиддий бўлган хуружларга дуч келмоқдалар. Улардан фақат баъзиларини санаб ўтиш кифоя. Булар — терроризм, уюшган жиноятчилик, контрабанда, ноқонуний миграция ва оммавий қиргин қуролиларини тарқатиш. Аммо бу ёлғиз Ўзбекистонга дахлдор муаммолар эмас. Давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги НАТОдаги иттифоқчилар хавфсизлиги ва барқарорлиги билан узвий боғлиқдир. Шу боис Иттифоқ мазкур таҳдидларга қарши қатъий курашишга астойдил бел боғлаган.

Айни пайтда НАТО кучлари Иттифоқнинг аънавий сарҳадларидан анча олис юртларга сафарбар этилган. НАТО иттифоқчилари 2001 йил охиридан буён террорчиликка қарши амалиётларда иштирок этиб келишмоқда. Тolibлар ҳокимиятдан четланилгач, НАТО кучлари Қобулдаги Халқаро хавфсизликни таъминлаш кучларининг аксарият қисмини ташкил этди.

Ўтган ойда ушбу кучлар ишини давом эттириш ва самарадорлигини кафолатлаш, шунингдек, бизнинг Афғонистонга ҳамда бутун

минтақага содиқлигимизни таъкидлаш мақсадида Иттифоқ улар устидан раҳбарликни ўз зиммасига олди.

НАТОнинг сайёрамизнинг турли минтақаларида янги вазифаларни бажаришга тайёрлиги Иттифоқнинг XXI аср таҳдидларини ҳисобга олган ҳолда мослашуви йўлидаги кенг қамровли ишларнинг бир бўлагидир, холос. Биз терроризмга қарши янги ҳарбий химоя концепциясини ҳаётга тадбиқ этмоқдамиз. Биз аҳолини ва мамлакатларимиз қуроли кучларини оммавий қиргин қуроли қўлланиши оқибатларидан химоялаш ишини ахшилаш чораларини кўрмоқдамиз.

Биз хавфсизлик йўлидаги янги таҳдидларга зудлик билан зарба бериш имконига эга бўлиш учун НАТОнинг тезкор ҳаракат кучларини барпо этаямиз. Шунингдек, кучларимизни олис масофаларга тезкор суръатда сафарбар этиш ва уларнинг жанговар ҳолатда исталган зарур мудатгача бўлишларини таъминлаш мақсадида уларни янада тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширмоқдамиз.

Давоми 2-бетда.

XXI аср саҳоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда «Лукойл Оверсиз Холдинг ЛТД» компанияси Ўзбекистондаги «Хазак», «Шоди» ва «Кандим» конларини комплекс ўзлаштириш бўйича сармоялаш лойиҳаси тақдимотини ўтказди. Ушбу лойиҳа махсус давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилган техник-иқтисодий асослар ва махсус тақдимоти тўғрисидаги битимга кўра биринчи лойиҳа ҳисобланади.

● Тез кунларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яна бир замонавий «Боинг-767» ҳаво кемаси билан бойийди. Мазкур самолёт мамлакатимиз учун махсус бюрутма бўйича тайёрланган Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳридан келтирилади.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташаббуси билан Жўржия Кенгесининг Аграр, сув хўжаликлари масалалари ва озик-овқат кўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруш органлари кўмитаси ҳамкорликда ўтказган минтақавий семинар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди.

● Фарғона вилояти ҳокимлигида пахта йигим-теримини ўз вақтида яқунлаш, кузги галла экинчи уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги «Юлдуз» акциядорлик жамияти қошида «Европа Фашин» ўзбек-чех қўшма корхонаси фаолият бошлади. Замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган янги қўшма корхонада асосан эркаклар устки кийимлари тикилмоқда.

Жаҳонда

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин беш кунлик ташриф билан АҚШга келди. Бугун у БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишида маъруза қилди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш БМТнинг навбатдаги Бош Ассамблеяси йиғилишида сўзга чиқиб, халқаро коалициянинг Ироқдаги ҳаракатини оқлади. У барча мамлакатларни Ироқдаги урушдан кейинги тикланиш ишлари жараёнига қўшилишга чақирди.

● Буёқ Британиянинг махсус хизмат вакиллари Колумбиядан кокаин гиёванди моддасини етказиб берувчи ажалфурӯшуларни қўлга олиш бўйича тадбир ўтказди. 100 га яқин полициячилар қатнашган махсус рейд давомида 20 нафар кокаинфурӯшчи ҳисобга олинди.

● Хитой пойтахти Пекинда энергетика соҳасида ҳамкорлик масалалари бўйича Россия ва Хитой давлатлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2003



МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Тошкент теннис марказида бўлиб ўтаётган Осиё чемпионати мусобақалари қизгин паллага кирмоқда.

Кеча аёллар турнирининг нимчорак финалидаги дастлабки ўйинларга яқун ясалиб, чорак финалда иштирок этувчи жуфтликлар аниқланди. Айтиб ўтиш жоиз, мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи кунларига қараганда, нимчорак финалда иштирок этган ҳамюртларимиз натижалари қувонарли деб айтолмаймиз.

Асосий ўйинлар жадвалида 6 рақам билан сараланган умидли теннисчимиз Омонмуродова тошкентлик Екшибаровага қарши қорғта тушиб, ўйин қилиб Владага имконият беришга ҳаракат қилди. Бундай вазиятни қўлдан бой бермаслик ниётида ёш теннисчимиз бор кучини удабуронлик билан ишга солди. Екшибарова муваффақият қозонмаган бўлмаса ҳам, аммо унинг кўрсаткичлари ёмон эмас — у биринчи сетда тўрт очкога эга бўлди.


Айниқса спортда беллашуви чин ва адолатли бўлиши лозим, албатта. Оқул кейинги сетда ҳақонийликка риоя этган ҳолда курашиш ва 6/0 ҳисоби билан Владани мағлуб этди.

Влада ҳақиқатан ҳам анча ёш — эндигина 14 га кирди. Унинг мураббийси хар доим отаси бўлган. Бирон бир ҳомилилари бўлмаганда, ҳамюртимиизнинг режалари улкан. Влада бир ҳафтадан сўнг бўлиб ўтадиган «Tashkent open» турнирида ўз кучини синаб,

шунингдек Россиянинг «Кремль Кубоги»га ҳам тайёргарлик кўраётганини айтиб ўтди.

Осиё теннис федерациясининг ижрочи директори Утрапати кортда кучлари тенг спортчилар беллашуви энг қизиқарли кечади, деганди. Кечаги кун бундай ўйин бўлмади, десак адашмасак керак. Турнирда биринчи рақам билан сараланган индонезиялик Уинни Пракусая тайландлик ёш теннисчи Чоптанг Вилаван билан баҳсга кириб, тез фурсатда 6/2 ва 6/0 ҳисобида рақибини мағлубиятга учратди. Лекин чорак финалдаги ўйин унинг учун мураккаб кечиши мумкин. WTA Tour доирасидаги «Tashkent open» мусобақалари қатнашчиси Уинни Пракусаянинг кейинги пайтларда анча тажриба орттирган ҳамюртимииз Оқул билан эртага бўлиб ўтадиган беллашуви кўп мурасасиз дақиқаларга бой ўтиши кутилмоқда.

Яна кечаги баҳсларга қайтадиган бўлсак, эркаклар турнирида икки ҳамюртимииз яхши ўйин кўрсата олмади. Жумладан, саралаш мусобақаларидан асосий турнирга чиққан Антон Кокурин биринчи давра ўйинларида 7-рақам билан сараланган покистонлик Аиссам Қурешига 6/3, 6/4 ҳисоби билан мағлуб бўлди. Сарвар Икромов ҳам ўзидан рейтинги анча паст бўлган. Сунг Кюн Канг (Жанубий Корея) билан ўтган беллашувида, ик-



кинчи сетдаги ютуғига ишонибми, учрашув сўнгида рақибдан панд еди.

Афсуски, ғолибликка даъвогар бўлиб турган Рохан Бопанна (Ҳиндистон) учун бу йилги Осиё чемпионати омадли келмади. Мазлумки, 2002 йилда Тошкентдаги қитъа турнирида у финалгача етиб келганди. Бу сафар асосий жадвалда тўртинчи рақам билан сараланган Бопанна «квалифайн»дан турнирга йўланма олган ҳамюртимииз Денис Салимсаковга икки сетда ютказиб қўйди. Бунинг сабабини Ҳиндистоннинг биринчи ракеткаси бир нечта мусобақаларда танаффусиз кетма-кет қатнашгани, Тошкент Уимблдон турниридан сўнг тўғри келган ва бироз бўлсада дам ололмагани орқали изоҳлади. Ҳамюртимииз Салимсаков эса эртага вьетнамлик Минх Кван Ду билан учрашади.

Осиё турнирининг бугунги дастури бўйича ўзбекистонлик Вадим Куценко, Олег Огородов, аёллар ўртасида Иванна Исроилова ва «wild card» билан иштирок этаётган Елена Ардунова чорак финалга чиқиш учун беллашадилар.

Ильмира
ШАРАФУТДИНОВА

Иқтисодиёт

МАХСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён тadbиркорлик билан иш юритаётган «Деметр» хусусий фирмаси тadbиркорлари қиш гамини ёз ва куз фаслида еб, аҳоли дастурхони учун мева ва сабзавотларни қайта ишлаб харидоригр махсулотлар тайёрлашмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, 250 граммдан тортиб 3 литрлик шиша идишларда тайёрланаётган, сақланиш мuddати 2 йилни ташкил этган турли хил шaрбат, мураббо, жем ва томат пасталари нафақат республикамизда, балки Россия, Қозоғистон давлатларида ҳам харидорлари эътиборини қозонмоқда.

—Бугунги кунга келиб, маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланаётган махсулотларимиз тури 30 дан ортиб кетди, — дейди тadbиркор раҳбар Отабек Акбаров. — Бунинг асосий сабаби бозорни ўрганиб, харидор талаб ва эҳтиёжи асосида иш юритаётганимиздир.

Қорхонанинг ўтган йилда Россия Федерациясида фирма дўкони очилгани қувонарли ҳўл бўлиб, бу махсулот экспортини йўлга қўйишда ёрдам беради. Шунингдек, ҳозирда қадқоқлаш ашёлари ва қоққоқларнинг маълум қисми ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, тайёр махсулот таннархини арзонлаштиришга мўҳим ҳисса қўшади.

РАҚОБАТЛАША ОЛАДИ

Миробод туманида жорий йилда ўтказилган «Ташаббус-2003» кўрик-танловда «Энг яхши хўнарманда» номига сазовор бўлган уста Турсунбой Эргашев ва унинг шоғирдлари томонидан тайёрланаётган махсулотлар сони 120 хилдан ортиб кетди.

Энг мўҳими эса миллий халқ хўнарманчилиги йўналишининг янги — темирчилик соҳасидан фойдаланиб тайёрланаётган хилма-хил халқ эҳтиёжи моллари: стол-стул, кресло, каравот, ўриндиқ ва бошқа уй ва идора жиҳозларига мўхир уста ёғочдан алоҳида безак беради.

—Мамлакатимизда тadbиркорликка очилган кенг йўл менга ҳам илҳом бахш этди, — дейди Турсунбой Эргашев. —Ўз ишимда шоғирдларим билан ҳамжиҳатликда махсулот сифати, мустаҳкамлигига, замонавий ва шарқона услублар йўналишига алоҳида эътибор қаратамиз. Шу боисдан ҳам биз тайёрлаётган мебель махсулотларимиз чет элники билан рақобатлаша олади. Икки йиллик фаолиятимиз давомида йилга 16-17 миллион сўмлик махсулот тайёрляямиз. Мақсадимиз харидорларимиз сафини янада кенгайтиришга эришилди.

ЧЕВАРЛАР МАҲОРАТИ

Ички бозорни маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сифатли кийим-кечаклар билан таъминлашда ўрта ва кичик қорхоналар, хусусий тadbиркорликнинг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги «Акома» масъулияти чекланган жамиятида ҳам тўқиб, ҳам тикиллаётган 150 хилдан зиёд болалар, эркаклар ва аёллар ички ва устки кийимлари сифати ва кўриниши билан харидорларга манзур бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида харидор дид ва эҳтиёжини тинмай ўрганиш яхши натижа беришини англаган жамоа тadbиркорлари ана шу асосда кийимларнинг турлари устида изланишмоқда. Ана шу изланишлар самарасида жорий йилда 20 хил янги махсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишди. Сертификатга эга бўлган ушбу махсулотлар Хитой, Туркия товарлари билан бемалол рақобатлашиб, улардан сифати ва бирмунча арзонлиги билан ажрალიб туради.

Дилноза ГИЁСОВА.

Давоми. Боши 1-бетда.

НАТО, шунингдек, ўзининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларидан унумли фойдаланишни истаydi. Зотан, терроризм ва оммавий қиргин қуроллари таҳдидлари чегара билмайди. Демократик институтларнинг етарли даражада ривожланмагани ва ички беқарорлик бундай таҳдидларга имкон туғдиради. Зеро, бу муаммоларни бартараф этиш катъий ҳамкорлик ҳаракатларини тақозо этади.

Бундай шароитда биз ўтган йилнинг ноябрида Прагада бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда шериклик сийбсатига учта асосий янгилик киритдик.

Биринчидан, биз хавфсизлик борасида НАТО билан янада чуқурроқ икки томонлама муносабатлар ўрнатишга интилаётган шерик давлатлар ихтиёрига

НАТО ва Ўзбекистон: ХУРУЖЛАРГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

янги восита тақдим қилдик. Мамлакатлар шериклик ҳаракатларининг Индивидуал режасини тузиш орқали ўзлари амалга оширишга интилаётган ислохотларни аниқроқ белгилаши ва шу тарафда Иттифоқ ва бошқа аъзо давлатларнинг бу борада уларга кўмаклашувини оsonлаштиришлари мумкин. Ўзбекистон шериклик ҳаракатларининг Индивидуал режасини имзолаш истагини билдирди ва биз ушбу йўналишдаги ўзаро муносабатларимизни чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳўкумати билан ҳамжиҳатликда ишлаш имкониятини интиқлик билан кутмоқдамиз.

Иккинчидан, биз алоҳида минтақа мамлакатларининг ўзаро манфаатли бўлган амалий масалалар, жумладан, илмий ҳамкорлик ҳамда табиий офатлар ва фожияларни бартараф этиш борасида ҳамкорлик қилишларига кўмаклашмоқдамиз. Бунга ёрқин мисол — жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистонда НАТО ҳўмилигида ўтказилган фуқароларнинг фауқулодда режалаштириш ўқув машғулотларидир. Шунингдек, гиванд моддалар савдоси, қурол-ярғоқ контрабандаси ва уюшган жиноятчилик сингари муаммоларга қарши курашиш имкониятлари мавжуд. Марказий Осиёни кўпдан бери ташвишлантираётган бу минтақавий хавфсизлик муаммоларини фақат ҳамкорлик йўли билан ҳал этиш мумкин.

Учинчидан, биз терроризмга қарши кураш борасида шериклик ҳаракатларининг алоҳида режасини амалга оширмоқдамиз. Терроризм доимий ва кўпқи-

ёфали таҳдид бўлиб, унга қарши кураш изчил ва ҳар томонлама ҳамкорликни тақозо этади. Ҳаракатлар режаси терроризмга қарши кураш юзасидан сийсий консултациялар ва амалий дастурларга кўмаклашиш орқали бундай алоқаларни ўрнатишга имкон яратди. Мен Ўзбекистон бу сий-ҳаракатларда фаол иштирок этаётганини мамнуният билан қайд этаман.

НАТО XXI аср хавфсизлигига бўлган хуружларга қарши курашга ўз хиссасини қўшмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ҳам биз билан бир қаторда бунга ўз хиссаларини қўшишларини истаймиз. Ўзбекистон учун ёрдам сий-ҳаракатларида фаол иштироки орқали ўзининг салмоқли маддидани намойиш этди.

Шу билан бирга, янада кўпроқ ишларни амалга

ошириш мумкин ва бу сий-ҳаракатлар келажақда ўзининг салмоқли махсулини беради. Сийсий ва иқтисодий аниқ ўзгаришларни амалга ошириш, қуролли қучларни рациона-

лизациялаштириш ҳамда узвий минтақавий ҳамкорликка кўмаклашиш йўли билан Ўзбекистон нафақат терроризмга қарши курашга янада ишончли ҳисса қўшган бўлади. Бу сий-ҳаракатлар, шунингдек, мамлакатнинг порлок келажаги, фаровонлиги ва халқро ҳамжамиятга янада яқинроқ интеграциялашувини кафолатлашга хизмат қилади.

НАТО ислохотларнинг мураккаб масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш, хавфсизликка бўлган умумий хуружлар, шу жумладан, терроризм таҳдидига қарши ҳамжиҳатликда курашиш орқали Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилишга интилоқда. Аммо мамлакат ва минтақанинг улкан салохиятини рўёбга чиқариш учун, аввало, сийсий ирода ва қатъиятлик, шунингдек, ҳам мамлакат ичкарасида ҳам ўзга давлатлар билан ҳамкорлик қилишга ҳақиқий тайёрлик тақозо этади. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилган НАТО иттифоқчилари ушбу мақсадларга эришишнинг яққол аломатларини кўришмоқда. Менинг Тошкентга режалаштирилган ташрифим арафасида бу менга катта умид бахшида этади.

Жорж РОБЕРТСОН, НАТО Бош қотиби.

ФОЙДАЛИ ДАСТУР

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг навбатдаги гуруҳи техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури — ИТЕС доирасида малака ошириш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди.

— Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисоди асосларини мустаҳкамлашга қаратилган жадал ўзгаришлар рўй бермоқда, — деб таъкидлади Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси иккинчи қотиби жаноб Маниш. — ИТЕС доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мақсадимиз инсон ресурсларини ривожлантириш орқали бу ишга кўмаклашишидир. Жумладан, ҳозиргача 650 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис телекоммуникация, менежмент, туризм, фармацевтика, дипломатия, кичик ва ўрта бизнес, оқори ахборот технологиялари, молия, журналистика, тўқимачилик саноати каби муҳим йўналишларда ўқитилди. ИТЕС доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сўнгги йилларда анча кенгайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур дастур Ҳиндистон томонидан 1964 йилдан буён 144 мамлакатда амалга оширилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик 1993 йилда бошланган бўлиб, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

АЎСП фаолияти ва унга аъзо компанияларнинг жаҳон иқтисодий муносабатлар тизимидаги нуфузи АҚШ иш одамларига Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида батафсил маълумот бериш имконини яратди. Шунингдек, у америкалик шериклар учун мамлакатимизга сармоя жалб қилишда зарур шарт-шароит яратиб, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Палата фаолияти Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришни ҳам ўз ичига қамраб олган.

АЎСП ташкил этилгандан буён навбат билан Тошкент ва Вашингтонда йиллик мажлислар ўтказиб келинмоқда. 1997 йилдан буён эса мажлислар конференция шаклини олди. Шу боис олд АЎСП аъзолари билан бирга Ўзбекистонда иш юритишни режалаштираётган АҚШ компаниялари ҳамда мамлакатимиз ишбилармон доиралари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Тошкентда ўтган мажлисда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев ва АЎСП Президенти Жеймс Корнелл сўзга чиқиб, мазкур ташкилот икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида мўҳим ўрин тутди. Рақамлар-

га мурожаат қилинса, ҳамкорлик йилдан-йилга барқарор ривожланиб бораётгани кўринади. АҚШ Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан саналади. Ўтган йил натижаларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 404 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йил-

ражасига кўтаришга йўл очди.

Мажлисда АҚШ вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, эришилган натижалар ва истикболдаги режалар борасида батафсил маълумот олди, мамлакатимизда хусусийлаштириш ва қимматбаҳо

АҚШ-ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИ

24 сентябр куни пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда АҚШ-Ўзбекистон савдо палатасининг (АЎСП) навбатдаги йиллик мажлиси бўлиб ўтди.

Ихтиёрийлик асосида ташкил этилган ушбу палата АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида савдо ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш мақсадида 1993 йил 9 августда Вашингтон шаҳрида таъсис этилган.

Муассислар қаторида АҚШнинг «Ньюмонт Майнинг», «Боинг», «Катерпиллер», «Эксон» каби йигирмадан ортиқ йирик компаниялари ва банклар бор. Ўзбекистондан эса йигирмадан ортиқ давлат муассасаси, уюшма, ташкилот ва саноат қорхоналари мазкур ташкилот аъзоси ҳисобланади.

нинг олти ойида эса бу кўрсаткич 186 миллион АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда АҚШ сармоядорлари иштирокида 355 қорхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 106 таси юз фоиз хориж сармояси ҳисобига ташкил этилган. Шунингдек, уммонорти мамлакатининг олтишга яқин йирик фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилишида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ўтган йили март ойида АҚШга бюрган расмий ташрифи мўҳим аҳамият касб этди. Уша сфар чоғида имзоланган ҳужжатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада бойитди ва Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини стратегик шериклик да-

ражасига кўтаришга йўл очди. Мажлисда АҚШ вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, эришилган натижалар ва истикболдаги режалар борасида батафсил маълумот олди, мамлакатимизда хусусийлаштириш ва қимматбаҳо

қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёни билан танишди. Иштирокчилар секцияларга бўлиниб мажлис ўтказди. Уларда мамлакатимизда хусусий-

лаштириш жараёнининг истикболи, кичик ва ўрта тadbиркорликни ривожлантириш ҳамда юртимизга сармоя жалб қилиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шу кунги Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги ўртасида мамлакатимизда сув заҳираларидан фойдаланиш, ирригация ва ерларни ўзлаштиришни бошқариш лойиҳасини ҳаётга жорий қилишнинг техникавий-иқтисодий асосларини яратишга қаратилган ҳужжат имзоланди. У АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги томонидан 545 минг АҚШ доллар миқдоридан грант ажратилишини кўзда тутди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири

Саҳна

РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛАР

Тошкент Давлат оперетта театри ўзининг янги ижодий мавсумини бошлади. «Ўттиз йил томошабинлар билан бирга» деб номланган театрлаштирилган постановка шу мавсумнинг ilk томошаси бўлди.

Чиндан ҳам театр бундан 30 йил аввал ташкил топган эди. Бу орада унинг саҳнасида талайгина асарлар қўйилди. «Ойпар» деб номланган асар биринчи ўзбек опереттаси сифатида саҳна юзиди кўрди. Атоқли бастакор Энмарк Солихоннинг бу кувнок спектакли театр репертуаридаги энг яхши постановкага айлиниб қолди.

Жаҳон мумтоз бастакорларининг бир неча оперетталари ҳам тақдим этилди. «Цирк маликаси», «Лўлилар барони» каби спектакллар шулар жумласидандир.

Театр янги мавсумида бир неча спектаклни мухлисларга тортқ қилади. Ўзбек муаллифлари ҳам янги оперетталар устида ишлашмоқда.

БЕТХОВЕН АСАРЛАРИ ИЖРОСИ

Машҳур немис бастакори Людвиг Ван Бетховен яратган жозибдор асарлар томошаларида ўзбек санъаткорлари ижросида ҳам тақдим этилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри солистлари бу бастакор мусикаларига мурожаат қилиб, концерт дастурларини тайёрладилар.

Ўзбекистон халқ артисти Қўрмас Муҳиддинов репертуаридан ҳам Бетховен кўшиқлари ўрин олди. Театрнинг солисти Анжела Муҳаммадзиевна ижросида «Аделаида» кўшиги ҳам тасвирчан чиққан. Республикада хизмат кўрсатган артист Гулшан Азизова «Миньон» кўшигини тақдим этди.

Бу янги асарлар «Улуг немис бастакорлари» концерт дастуридан ўрин олди. Ушбу мусикали кечада Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари ижросида янграган Бетховеннинг «Еттинчи фортепьяно сонатаси» ва бир неча кўшиқ томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

МЕХМОНХОНАДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Туб таъмирлаш ишлари олиб борилгандан сўнг пойтахтимизнинг илгариги «Дўстлик» меҳмонхонаси «Дедеман силк роад—Ташкент» меҳмонхонаси деган янги ном билан атала бошланди. Замонавий ва кўркам жиҳозланган хоналар миҳозлар учун гоаят манзур бўлмоқда.

Шу билан бирга бу ерда турли маданий ва маиший хизматлар намунали йўлга қўйилмоқда. Айниқса спорт-соғломлаштириш марказининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Сув ҳавзалари ҳам меҳмонлар ихтиёрига бериб қўйилди. Бу эса истиқомат қилаётган кишиларнинг турли хил машқлар билан шуғулланишлари имконини бермоқда.

Аҳмад АЛИЕВ

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Қалби меҳр-муҳаббатга тўлиқ жонқуяр устозлар, ўқитувчилар ёшларга нафақат билим, таълим-тарбия, балки ҳаёт дарсидан ҳам сабоқ берадилар. Уларнинг шарафли ва машаққатли меҳнатларини эъзозлашимиз ҳамда қадрлашимиз зарур.

Мана шундай хурматга лойиқ эъзозли ўқитувчилардан бири Дилбар опа Нуриддиновадир. У Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номидаги 328-ўрта мактабда кўп йиллардан буюн ўқувчиларга физика фанидан сабоқ бериб келмоқда. Дилбар опани мактабда нафақат ўқувчилар, балки ҳамкасблари ҳам жуда хурмат қилишади. Чунки у меҳнатсевар, камтарин ва жонқуяр инсон. Мактабдаги барча ташкилий ишлар, турли хил тадбирларда ҳам доимо бош-қош. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг физика факультетини тугатгач, Чилонзор туманидаги 270-мактабда етакчиликдан иш бошлаган Дилбар Нуриддинова икки йил болалар билан ишлаб, мактабга ва ўқувчиларга, ўқитувчилик касбига янада меҳри ошди. Чунки у ёшлигидан улгайсам албатта ўқитувчи бўлман, болаларга дарс бераман, деб орзу қилар эди. Йиллар ўтиб Дилбар опанинг орзулари ушалди. Шайхонтохур туманидаги 115-мактабда 15 йил ўқувчиларга физика фанидан сабоқ бериб, ўзининг билим ва маҳорати, касбига бўлган меҳри, садоқати билан жамоада обрў-эътибор қозонди. Шундан сўнг Миробод туманидаги 328-мактаб (илгариги 40-мактаб)га ишга келди. Бу мактабда ҳам болаларнинг севимли ва кадрдон муаллимасига айланди. Негаки Дилбар опа ўқувчилар билан тезда тил топишади. Уларнинг қалбига йўл топиб, доимо керакли маслаҳат ва ёрдамини аямайди. Керак бўлса дарсдан кейин қолиб қўшимча сабоқ беради. Шу-

нинг учун ота-оналар ҳам бу жонқуяр ўқитувчидан ҳамиша миннатдорлар.

Дилбар Нуриддинова дарс бериш билан бирга мактабда «Маънавий ва маърифат» ишлари бўйича директор ўрин-

мазмунли. Раҳбарлик қилаётган синфим ўқувчиларини ҳар кун бири-бири билан муомаласини, дарсга бўлган қизиқишларини кузатаман. Тарбияси оғир ўқувчилар билан алоҳида гаплашиб, оилавий аҳолини ўрганаман ва яхши гапириб йўлга солишга ҳаракат қиламан. Айниқса қизларнинг одоб-ахлоқи, кийиниш маданиятига, сўзлашиш одобида эътибор бераман. Мақсадим ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг мустақил Ўзбекистонимизга муносиб ҳар томонлама билимдон, комил инсонлар бўлиб вояга етишларини истайман.

Ҳақиқатан эзгу ниятли устознинг орзулари бир олам. Мактабда кадрли ва захматкаш устоз Дилбар Нуриддинова оилада меҳрибон она, севимли рафиқа. У турмуш ўртоғи Сайфиддин ака билан ширин ва тотув оилада икки қиз ва бир ўғлини ўқитиб, юртимизга нафи тегадиган комил инсонлар қилиб тарбиялашди. Қизлари Дилфузаҳон ва Наргизаҳон ҳам оналари касбинини давом эттириб, мураббийликни эъзозлаб келишмоқда. Бу оилани ўқитувчилар сулоласи десак тўғрироқ бўлади. Дилбар Нуриддинованинг кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан муносиб баҳолини, «Халқ таълими фидойиси», «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвонлари билан тақдирланган.

Шарафли касбини эъзозлаб келаётган Дилбар опадек жонқуяр ва фидойи устозлар орамизда кўп бўлса деймиш. Ана шунда жажжи ўғил-қизларимиз ҳар томонлама таълим-тарбияли, етук, комил инсонлар бўлиб вояга етадилар деб умид қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Дилбар Нуриддинова
ўқувчилари даврасида.
Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

УШАЛГАН ОРЗУ

Ўқитувчи деганда ҳар бир инсон беихтиёр ўзининг бегубор болалигини, ўшқин ва кувнок ёшлик дамларини, кадрдон мактаби, азиз устозлари ҳамда жонажон синфдошларини, биринчи синф остонасига қадам қўйган йилларини соғинч туйғуларини билан эсга олади.



босари лавозимида ишлаб фидойилик намуналарини ва олижаноб фазилатларини намойён этди. Ҳозирда эса мактабда ўқув-тарбия ишлари бўйича илмий мудирлик қилиб келмоқда.

—Ўқитувчи—шарафли касб, шундай эъзозли касб эгаси бўлганим билан фахрланаман,—дейди Дилбар опа.—Ўқитувчи аввало болаларни яхши кўриши, қалбига уларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини кучли бўлиши керак, деб ўйлайман. Ва албатта илмий, ўз соҳасининг етук билимдони бўлиши зарур. Шунингдек, барча инсоний фазилатларга эғалик қилиши, яъни муомала маданияти юқори бўлиши, меҳнатсеварлик, камтаринлик фазилатлари бисёр бўлиши лозим. Ўқитувчи ушбу фазилатлар билан аввало ўзи ўқувчиларга ўрнак бўлиши керак, деб ўйлайман. Мактаб, ўқувчиларсиз ҳаётимни тасаввур этолмайман. Улар билан ҳаётим гўзал ва

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида Вазирилар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

НИКОҲ ВА САЛОМАТЛИК

Баркамол авлоднинг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда, деб таъкидланди тадбирда. Соғлом фарзанд соғлом оилада дунёга келади. Шу боис, турмуш кураётган ёшлар саломатлигига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Никоҳдан ўттиш учун ариза бераётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш аввалига осон кечмаганди. Бунга ортиқча оворагарчилик сифатида қаровчилар ҳам топилди. Лекин бу жараён йиллар ўтгани сайин изига тушиб бормоқда. Яхши ният билан бир ёстиққа бош қўймоқчи бўлган икки ёш бир-бирининг соғлиги ҳақида тўла маълумот олиши айрим муаммоларнинг барҳам топишига за-

мин яратади. Шу боис ҳам бугунги кунда никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўттиш учун тақдим этилаётган йўлланмани табиий ҳол сифатида қабул қила бошлади.

Номи зикр этилган ҳукумат қарорига мувофиқ бу жараён қатъий тартибга солинадиган бўлди. Қарор асосида тасдиқланган низомда никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча қонун-қоидалари белгилаб берилган. Бу тартиб 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилди.

Пойтахтимиздаги Бахт уйлари, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва архив ходимлари иштирок этган ушбу анжуманда ана шу масалалар ҳусусида сўз борди.

ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида АҚШнинг USAID ташкилоти ҳамкорлигида журналистлар билан мулоқот ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги ўрни ҳақида тўхталиди. Соҳада Президентимизнинг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни та-

комиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳам алоҳида ўрин тутаётгани қайд этилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ва демократиялаштириш, электрон ахборот воситаларини лицензиялаш, журналистнинг касбий қўнимка ва тажрибасини оширишга доир масалалар ҳусусида фикр юритилди.

АНЖУМАНЛАР

БАРЧА СОҶАЛАР ҚАМРАБ ОЛИНДИ

Ҳамза тумани хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Анжуманда тумандаги ҳамма маҳаллалар, оқсоқоллари, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раислари, туман Посдон маркази ходимлари, маҳалла участка нозирлари ҳамда тумандаги барча ўқув муассасаларининг «Маънавий ва маърифат» ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари иштирок эттиди.

Тадбирда маҳалла оқсоқолининг вазифаларига тўхталиб, унда аҳоли ўртасидаги маънавий ва маърифий тарғибот ишларини олиб бориш, маҳалла аҳли ўртасида ҳурмат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида камол топтиришда оқсоқолнинг ўрни катталтиришга алоҳида урғу бериб ўтилди.

Шунингдек, тумандаги Посдон маркази ходимлари, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисларининг вазифалари ҳам бир-

ма-бир саналиб, уларнинг ишисизлигининг олдини олиш, маҳаллада болалар тарбиясига эътибор, оила тарбиясини тинчлиги-тотувлигини таъминлаш каби вазифаларига кўпроқ аҳамият қаратишлари лозимлиги таъкидланди.

Маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш, жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишда педагог-тарбиячиларнинг ўрни ҳам ниҳоятда муҳимлиги айтиб ўтилди.

Анжуманда, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни, жиноятчилик ҳолатларининг умумий таҳлили, жазо муддатини ўтаган шахсларни иш билан таъминлаш, никоҳланувчи ёш йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг оқоридаги масалалар юзасидан берган саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

Орзуғул РУСТАМОВА

ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

Она табиати муҳофаза қилиш, умуман олганда, яшаб турган заминимизни сақлаш билан боғлиқ бўлиб, бу инсонларнинг соғлиғи, келажақ авлодлар ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим ижтимоий масаладир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан табиат муҳофазаси амалга оширилса, табиатни муҳофаза қилиш унинг соғлиғига эришилши йўли билан инсон соғлиғи учун зарур бўлган қўлай шароит яратилади. Лекин куруқ гап билан иш битмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хилма-хил ва кенг камровли тадбирлар ўтказилишини тақозо этади. Бу ишда турли давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар фаол иштирок этгандагина тегишли максдага эришиш мумкин.

Атроф-муҳит муҳофазасининг яна бир белгиси, бу — озодгагарчиликдир. Кейинги пайтда шаҳримизнинг санитария ҳолатини яхшилаш учун талай юмушлар амалга оширилди. Кўмитанинг назоратчилиги туманларда бўлиб шаҳримиз об-ҳавосини тоза сақлаш, сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олиш, табиати тоза сақлашда ҳар дом филойиллик кўрсатиб келмоқдалар. Нозирлар томонидан туманларда мунтазам равишда текшириш ишлари олиб борилади. Деярли барча йирик корхоналарда зарарли моддалар-

ни тозаловчи қурилмаларнинг рўйхати, ишлаш ҳолати зикр этилган ҳужжатлар кўздан кечириб турилади. Очигини айтганда, меъёрий ҳужжатларга амал қилмаётган корхоналар шаҳримизда анча-мунча топилди. Хусусан, бундай ҳолатни кўпроқ қурилишларда учра-тиш мумкин. Айниқса уларда бил-тумни очик ҳавода ёқиш одати кўпроқ кузатилади. Бу ҳавонини ниҳоятда қаттиқ зарарлантириб одамларнинг захар билан нафас олишларига олиб келади. Афсуски, бунга мутасаддилар эътибор-

Н.РАҲМАТУЛЛАЕВА,
давлат нозир.

• ТУМАНЛАРДА

ОБОДОНЛАШТИРИШ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Яккасарой Тошкент шаҳрининг марказий туманларидан бири. У Чиланзор, Сергели, Миробод туманлари билан чегарадошидир. Яккасаройнинг умумий майдони 1398000 квадрат метри ташкил этади. Кўчалар сони 134 та бўлиб, узунлиги 116,1 километр. Кўчаларнинг умумий майдони 119,7 гектарга тенг. Туман ҳудудидаги дараклар — 137015 тани, гуллар сони эса 56003 данони ташкил этади.

Туман ҳудудидан очик сув ҳавзаларидан вилот сув бошқармасига қарашли Салор, Бўжрак, Рақат, Полвон Гадроган каналлари оқиб ўтади. Бу каналлар туман ҳудудидаги дов-дахталарни, яшил ўсимликларни сугоришда, туман микроклиминини муътадиллаштиришда хизмат қилади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллик байрамини тайёрлаш кўриш вақтида ободонлаштириш бошқармаси томонидан туман ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Худуддаги 250,89 квадрат метр майсазорлар тозаланди, даракларга шакл берилиб, 32 дон авария ҳолатидаги дараклар кесилди, 16,4 квадрат метр ирригация тармоқлари тозаланди, 1910 дон би йиллик гуллар экилд.

Туманда 17 та маҳалла бўлиб, бу жойларда Обод маҳалла йили муносабати билан об-

донлаштириш ишлари олиб борилди, 930 квадрат метр жой асфальтланди, бундан ташқари яна туман ҳудудида 60 тонна асфальт ётказилиб, йўллар таъмирланди, 350 тонна хар хил чиқиндилар чиқариб ташланди.

Яккасаройда бир нечта катта ва кичик корхоналар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 2003 йилнинг август-сентябрь ойига туманда фаолият кўрсатилаётган 20 дан орта корхонада экологик назорат ўтказилиб, табиати муҳофаза қилиш қонунларини бузган 37 та мансабдор шахсларга 227145 сўм миқдорда жазима солинди.

Ҳозирги кунда корхоналар билан Вазирилар Маҳкамасининг 199-сонли қарори асосида табиатга келтирилган зарари учун компенсация тўловлари бўйича тушуштириш ишлари олиб борилаётган.

Д.СУЛТАНОВА,
давлат нозир.



• МУЛОҲАЗА

Инсоният ҳаёти табиий муҳит билан узвий боғлиқдир. Табиат — ҳаёт бешиги, инсон яшайдиган муҳитдир. Инсон табиий муҳитдан ташқарида яшай олмайди. Ҳозирги вақтда атроф-муҳит ифлосланишининг тобора кенгроқ тус олиши кишилар ҳаёти табиий асосларининг емирилишига олиб келмоқда. Инсоният ўз тараққиётининг илк босқичларида табиатга бўйсунарди. Эндликда инсон табиатни ўрганди, кўрди, унинг инжикликларини ўзига бўйсундирди. Инсоният табиат қўйнида фаолият кўрсатади ва у билан узвий муносабатда бўлади. Бу фаолият тўғри ташкил этилмаса, инсон ўзи ва табиат учун муаммолар келтириб чиқаради. Улардан бири экологик муаммодир.

ЯНА МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг экологияга муносабат тубдан ўзгарди ва мазкур муаммо давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Бош Қомуси — Конституцияимизнинг 50-моддасида «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ер кодекси тўғрисида»-ги Қонуни қабул қилинди. «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуннинг 1-моддасида ва шунингдек, «Давлат экологик экспертиза» Қонунининг 24-25 моддаларига асосланиб, корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, фойдаланиш ҳамда уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиати муҳофаза қилиш чоратадбирлари назарда тутилмоғи лозим. Афсуски, бундай талаб ва қоидаларга ҳамма ҳам бирдек риоя қилавермайди. Бир мисол. Яқинда Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари Акмал Икромов туманидаги «POADO ака-ука» масъулияти чеклан-

ган жамиятнинг табиати муҳофаза қилиш бўйича фаолиятини текширганларида бир қатор камчиликларга дуч келишди. Ушбу корхонанинг вазири фаши пахта чиқиндиларини ва ёғочни қайта ишладан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 491-сонли қарорига хилоф равишда иш юритган. Хусусан корхонада шу вақтгача муҳитга ўтказиладиган таъсирни баҳолаш лойиҳаси иш-лаб чиқилмаган. Шунингдек, корхона давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасига эга эмас.

Ифлослантирувчи моддаларни ҳавога ташловчи манбалар рўйхати ва чиқинди чиқариш мумкин бўлган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг нозирлари корхона раҳбарларига маъмурий жазо қўллади-лар ва вақтинчалик унинг иш фаолиятини тўхтатди-лар ҳамда атмосфера ҳавосига чиқадиган ифлослантирувчи моддаларни камайитириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, чанг-газ тозаловчи ускуналарга қўшимча филтёр ўрнатишни таъсия этдилар.

М.УМАРОВА,
давлат нозир.

• СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Шаҳримизга тоғлардан келадиган дарёлар ҳаётимиз манбаи, ризки рўзимиз, ноз-неъматларни яратувчи бебахо бойлигимиздир. Дарёлар сувининг мўл-кўл бўлиши-да, шифобахш хосиятларида булоқ-чашмаларнинг аҳамияти катта. Бўстонлик тоғларида 700 дан ортқ карст булоқлар табиати ўрганилиб, уларнинг ер сатҳига чиқиб жойларининг хариталари тузилган. Бу булоқлар ер ости карст сувларининг турли «поғона»ларига, яъни гидродинамик зоналарига боғлиқ бўлиб шу зоналардан тўпланади.

Бўстонлик бўйлаб сайр қилсангиз, турли баландликдан ёки дарё vodiylarидан қайнаб чиқиб шарқираб оқибатган булоқ сувларига дуч келасиз.



№ 9(138) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



Масалан, думнинг механик вазифаси шундан иборатки, у кўпинча югуришда, сакрашда суякчиқ вазифасини ўтади, учинда ва сузишда йўналишни бошқаради. Шунинг учун ҳам думни баъзан аташчи қўл деб аташди. Америкада тарқалган баъзи маймунларнинг думи том маънода бешинчи қўл ҳисобланади.

Бир хил ҳайвонлар ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида думнинг бир бўлагини ёки битта оёғини ташлаб қочади. Одатда эрта баҳорда қўёшда тобланиб ётган калтакесак ёки чигирткани ушламоқчи бўлганингизда қўлингизда жониворнинг думи ёки оёғи қолади, ўзи эса қочиб кетади. Думман чангалига илинган калтакесакнинг дум мускуллари кучли қисқариши натижасида умуртқаларнинг заиф жойидан дум узилади, чунки умуртқалар тоғай парда билан бир-биридан ажралган бўлади. Думни ташлаб кетиш унинг эгасига деярли зиён келтирмайди, чунки у қайтадан ўсиб чиқади, лекин умуртқаси умуман ўсмай қолади, аммо унинг ўрнига тоғай ўсимта пайдо бўлади, демак навбатдаги дум ташлаш ҳалиги ўсимтадан юқориқроқда ўз бе-

ҚАЙНАР БУЛОҚЛАР

лар кўп қаватли бўлиб сафлан-нишади.

Бўстонлик булоқлари асосан уч гуруҳга бўлинади. Тоғ ён бағирларидан чиқувчи булоқлар худудда энг кўп тарқалган бўлиб, сони жиҳатдан биринчи ўринда туради. Келажакда уларнинг айримларини ичимлик қувурлари орқали яқин орадаги аҳоли пунктларига ва дам олиш зоналарига «тортиқ» қилиш мумкин. Иккинчи гуруҳ булоқлар эса, дарё

vodiylarидаги террасалардан чиқиб, атрофдаги кишлоқлар ҳамда дам олиш уйлари суви билан таъминлайди. Сўнгги учинчи гуруҳ булоқлар эса, дарё ва сой ўзанидан чиқувчи ва серсувлиги билан бошқа гуруҳлардан ажралиб турувчи «қайнар» булоқлардир. Бу булоқлар баъзан сойларни йил давомида оқар сувлар билан таъминлаб туради.



№ 9(138) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



олади — бунга ишонаверинг. Ана шундай тажриба ўтказганингиздан пушаймон ейсиз. Энди шошилич равишда уқол қилиб, баданингизга зидди-захар юборинг!

Олимлар эҳтиёткор-роқ бўлиб чиқди. Улар тажовузкор илонга қўлини эмас, балки оддий лампочкани яқинлаштирди. Дастлаб совуқ кейин эса ёниб турган илиқ лампочка яқинлаштирилди. Илон иккала лампочкага ҳам парво қилмаса керак, деб ўйла-ган эдилар, лекин бунинг акси рўй берди. Илон хар гал ёниб турган лам-

почкага ташланаверди, совуқ лампочкани эса писанд қилмади. Демак, мазкур илонларда иссиқликни сезувчи алоҳида аъзо — термолакторлари бор экан. Қизиги шундаки, газандаларнинг барча сезгир аъзоларидан маҳрум этилганда ҳам улар термолактор ёрдамида ўлжасини топиб олади.

Илонларнинг термолактори ўта сезгир бўлиб ҳароратнинг 0,003 даража ўзга-ришини сезади.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

• ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

САРИМСОҚНИНГ ХОСИЯТИ

Пиёзбошларга мансуб икки йиллик сабзот ўсимлиги бўлган саримсоқнинг асли ватани Тянь-Шань тоғларидир. Эндликда у маҳон пазандачилигида жуда кенг тарқалган. Чунки таркибида углеводлар, оқсиллар, ҳужайра моддаси, ифори мўй, дармондорилар ҳамда минерал моддалар кўп. Унда яна фитонцид деган аччиқ модда ҳам бўлганлиги сабабли бу сабзотни доривор ўсимликка айлантирадики, айниқса грипп, ўпка касалликлари, ошқозон, ичак, буйрак хасталиклари, йирингли яраларни тuzатишда халқ табобатида катта аҳамият касб этади.

Саримсоқнинг пиёзбош қисми ҳамда унинг мурғак барглари озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда шифобахш омил сифатида истеъмол қилинади. Таркибида В, С дармондорилари, гликозид аллеин, азотли моддалар, минерал тузлар, 20-27 фоиз полисахаридлар сақлайди. Илгари саримсоқ кулини асал билан аралаштириб темир-тақва маҳкам тайёрланган. Саримсоқ қайнатмаси ичилса, овоз очилиб раван бўлиши, оғиз чайилса тийш оғриги, сурункали йўтал ва нафас қисилишига даво бўлади. Саримсоқ иштаҳани очиб билан бирга овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради ва қон томирларини кенгайтириш қаторида танани юкумли касалликлардан муҳофаза этишда катта хизмат қилади. Агар сўгал ёки қадоқчи кетказиш керак бўлса, унда саримсоқнинг пиёзбошисини эзиб, бутқа холига келтирилади ва унга тенг миқдорда ёғи қўшилади.

Захиридин Мухаммад Бобурнинг шахсий табиби Юсуф бин Мухаммад Юсуфийнинг «Тиббий рисоласи»да эса саримсоқ ҳақида шундай дейилган:

Саримсоқ пишириб тано-вул жарима,

Эски йўталларга қилгуси у наф. Агар нонуштада хомини есанг. Қориндаги куртни айлағай у даф.

Шу қадар фойдали бу неъматни кўпчилик хомлигича ейишни хоҳламайди. Чунки унинг ўта қўланса хиди бор ва бир қанча вақт оғиздан бурқисиб туради. Бу эса кишининг ўзигагина эмас, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам тиш оғриги, сурункали йўтал ва нафас қисилишига даво бўлади. Саримсоқ иштаҳани очиб билан бирга овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради ва қон томирларини кенгайтириш қаторида танани юкумли касалликлардан муҳофаза этишда катта хизмат қилади. Агар сўгал ёки қадоқчи кетказиш керак бўлса, унда саримсоқнинг пиёзбошисини эзиб, бутқа холига келтирилади ва унга тенг миқдорда ёғи қўшилади.

Захиридин Мухаммад Бобурнинг шахсий табиби Юсуф бин Мухаммад Юсуфийнинг «Тиббий рисоласи»да эса саримсоқ ҳақида шундай дейилган:

• ТЕКШИРУВЛАР ЭКОЛОГИЯ КUNДАЛИГИ

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерда юз баяётган камчилик ва нуқсонларни аниқлашда ва бундай кўзбўямачиликларга йўл қўяётган айбдорларга тегишли микдорда жарималар солишади. Қуйида ана шундай жаримачилардан бир нечтаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

- Назоратчилар Акмал Икромов туманидаги «Фарход» хусусий фирмасида бўлганларида корхонадан маийш чиқиндилар ўз вақтида чиқариб ташланмаганлигининг гувоҳи бўлишди. Шу сабабли корхона устахонаси бошлиғи Д.Тожиёвга 6 минг сўм микдорда жарима солинди.
- «Интранс» автокорхонаси Бектемир туманида жойлашган. Ушбу корхона назоратчилар текширувидан ўтганда унинг худудларига мой тўкилганлиги ва бунинг натижасида атмосфера ҳавоси ифлосланаётганлигини аниқлашди. Айбдор Р.Абдуллаев 16320 сўм микдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.
- Собир Раҳимов туманидаги «Биржасервисмарказ»да автотранспорт воситаларидан чиқадиган ифлослантирувчи моддалар меъёри ўз вақтида текширувидан ўтказилмаганлиги сабабли бош механик Б.Ғуломов 5500 сўм жаримага тортилди.
- «Технодел» корхонаси директори В.Чинорёв пахтани қайта ишлаб чиқариш лойиҳасини экологик экспертизадан ўтказмаганлиги сабабли 16320 сўм жарима тўлади.
- «Дельфор-сервис» хусусий фирмаси раҳбари А.Хасановнинг экологик экспертиза хулосасисиз фаолият юритганлиги унинг ҳамёнига 6000 сўм зарар келтирди.

- Акмал Икромов туманидаги «Моназор» масъулияти чекланган жамияти ҳамда экологик экспертиза хулосасисиз иш юритган. Бу ўзбошимчиликка йўл қўйган унинг раҳбари Надолский ҳам 6000 сўмлик жаримага тортилди.
- Нозирлар Юнусобод туманининг «Янгиобод» маҳалласида бўлиб, бу ерда руҳсатсиз даракт кесилганлиги ҳолатига дуч келишди. Бу ўзбошимчилик натижасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси У.Раҳмонбердиев 16320 сўм микдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.
- Шайхонтоҳур туманидаги Ёқуб Зиёев маҳалласи оқоколи У.Ҳайдаров ҳам ана шундай ҳолатга йўл қўйганлиги учун 16000 сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.
- «Бизоат-нефт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Юнусов ҳисобига ҳам 5500 сўмлик жарима ёзилди. У маийш чиқиндиларни ўз вақтида чиқариб ташламаганлиги учун шундай жазага тортилди.
- Чиланзор туманидаги «Бимал» корхонаси раҳбари И.Раҳимов эса битумни очик ҳавода ёқиб атмосферага ифлослантирилганлиги учун 6000 сўм микдорда жарима тўлади.

• РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ГАПИРУВЧИ ЛАЙЛАК

Италиянинг Александрия шаҳри ташқарисида яшовчи Донателлолар оиласи айвонда нонушта қилиб ўтиришгани, қандайдир соя қўёш нурларини тўсди, бир лаҳза ўтмасдан столда лайлак пайдо бўлди.

Ҳамма кутилмаган ҳолатдан қотиб қолди. Қўш бўлса соф италия тилида «Салом, жаноблар! Мен жуда очман!» деди. Ва у индамасдан столдан макаронни олиб еб бошлади. Уй эгаси Белонито Донателло лайлакнинг столнинг устидаги ҳамма нарсага ейишини кутиб турди, сўнг чаконлик билан ушлаб полга қўйди.

Куш ҳеч қаршилик кўрсатмади. Кейинчалик аниқланишича, лайлак гастролда юрган кўчама циркон марта лайлаклар гапирувчи куш сифатида ўзларини кўрсатмагандилар, деб ёзади италиян газетаси «Республика».

ШАҲАР УЗРА УЧАЁТГАН ЎРГИМЧАК

Америкалик ҳайкалтарош Петрик Бремер ёғочдан бир неча юз баробар катталаштирилган турли ҳашаротларни ўяди.

Унинг ўймаларидан улкан ўргимчаклар, ниначилар, чаёнлар, қирқоёқлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳосил бўлади. Нобё ёғоч-қонлик билан ушлаб полга қўйди.

нарсаларига ўзига хос табиийлик ҳамда эластиклик бахш эта олади.

Бремер яқинда ўзининг «ҳашаротлари»ни Мексика кўрғазма зали эшиги тагига тушираётганида кучли шамол кўтарилди. Натижада қирқоёқ, чигиртка ва ўргимчак бурон билан осмонга кўтарилди. Улар шаҳар кўчаларидан унча йаланд бўлмаган юқориликда «учишди». Уларнинг кўри-ниши шу даражада гайриоддий эдики, одамлар ваҳимага тушиб, ўзга сайёраликлар учиб келишяпти, деб ўйлашди. Полиция ва телевидение жуда қийинчилик билан одамларни тинчлантирди. Кўрғазма очилганидан сўнг эса шаҳарликларнинг барчаси келиб томоша қилишди. Натижада тушган даромад ҳайкалчолар муаллифини ҳам, маҳаллий ҳокимиятни ҳам ҳурсанд этди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо билув...

● Касал бутунлай соғайиб кетмаса, ичмоқ ва ёмоқнинг лаззатини билмайди. Оғир юк елқадан тушмагунча киши енгил нафас ололмайди.

● Дўст ва ҳамнишинларнинг ақлли ва доворак кишилардан иборат бўлмоғи лозим. Бундай кишилардан одамнинг ақлли ва довораклиги ошади. Илмсиз ва феъли бузуқ кишилар ҳар ерда кишига панд беради, бадном қилиб қўяди. Ҳирс учун қўлингдан асло жой берма, бир вақтда овқат ейишни одат қили, доимий еверишдан тасалли содир бўлади. Ҳўл, иссиқ ва куруқ, совуқ нарсалардан тенглаштириб егинки, мижозингни мўтадил қилиб туради. Лутфу меҳрибонликни ўзинга шиор қили, бу сифатлар имкониятнинг олий сифатларидир. Молу-давлатни ҳам эҳтиёт қилиб ишлатки, уларнинг ҳам алоҳида ўринлари бор.

Байт:
Ўзинг еб, ўзгага берсанг, эй инсон,
Номинг улуг бўлар, вужудинг омон.

● Овқат ейишдан аввал уни ҳазми ҳақида ўйла, овқатнинг ширин ва ҳаловатига учиб, ҳазм қилолмай, қийналиб юрма. Сўзни мулойимлик билан гапир. Оз гапир, кўп гапиршлик гарчи ёқимли бўлса ҳам девоналикдан нишонандир.

Байт:
Жимликдан бўлмади ҳеч ким пушаймон,
Кўп гапдан зарарлар ўз берди ёмон.

● Баданингни сенда ҳақлари бўлиб, бу ҳақларни ўз вақтида адо қилишинг лозим. Бу ҳақ шуки, соғлиқни сақлаш қонунларига тўла амал қилсан, озодалик ва покизалик шартларини жойига қўясан. Ўтиришда, юришда, туришда, уйқуда, еб-ичишда, кийинишда, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишда қондага амал қилсан. Шунда табиғат эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

● Бутун куч саломатликни сақлашга қаратилиши лозим. Чунки саломатлигинг бузилса, ҳаётинг ва машаққатинг бузилади; ичишда, ейишда, ухлашда ҳаловат ва роҳат қолмайди.

● Ҳақим Афлотун айтган эди: баданинг жароҳати даво билан, жоннинг роҳати эса ҳикмат билан тузалади.

● Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

● Инсон — табиатнинг олий махсулидир. Бирок табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмақ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи зарур.

● Соғлиқ — бойликдан аъло.

● Соғлиқ — олтиндан қиммат.

● Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди. Чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат, ва на ҳаловат бор.

● Олимлардан Ҳимматзода айтиди:

— Бир касал одамни зиёрат қилиб, ҳол-аҳволни сўраш, тасалли бериб кўнглини кўтариш энг яхши ишдир. Фақат зиёрат қилганингиздан кейин унинг ёнида эзмалик қилиб кўп ўтирманг, хайрлашиб тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг, касални тинч қўйинг, безовта қилманг.

Илмий-амалий анжуман

Пойтахтимизда оториноларингологлар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз тиббиёт муассасалари вакиллари ва хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Ҳозирги кунда аҳоли орасида тез-тез учраб турадиган кулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволашнинг янги-янги усуллари амалиётга тадбиқ этилмоқда. Замонавий тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш шифокорлардан юқори билим ва тажриба талаб этади.

Шу боис юртимизда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг малака ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яқинда бир гуруҳ оториноларингологлар хориждаги нуфузли тиббиёт институтлари ва шифо масканларида малака ошириб қайтди.

Анжуманда янгича даволаш усуллари амалиётда қўллаш муаммолари юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашилди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

“Севимли шахрим” акцияси доирасида
“Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда”
мавзусида энг яхши фотосуратлар
кўрик-танловини эълон қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:
Кўҳна Тошкент;
Миллий қадриятлар;
Истиқлол нашидалари.

Фотосуратлари
Тошкент шаҳар, 700005,
Мовароуннаҳр кўчаси, 14
маъмурият бўлими.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки турмуш)
асар қабул қилинади, турмуш ҳам
бир асардек қўрилади.

Энг яхши фотосуратлар
қимматбаҳо совбалар ва дипломлар
билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ”
радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Бечерний Ташкент”,
газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

• САНЪАТ

ҲАЙКАЛТАРОШ ВА ДАВР

Санъат, хусусан ҳайкалтарошлик, маънавий оламнинг таркибий қисми сифатида инсон ҳаётидаги сийёс ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ташвиқот-тарғибот воситаларига ўхшаб жавоб беради.

Ҳайкалтарошликнинг ижодий услублари вақт ўтгани сари кескин ўзгариб бораверади.

Масалан, Ўзбекистон Давлат педагогика университети биносининг кириш қисмида ўтган

асринг 40-йилларида ўрнатилган ҳайкалга эътибор берайлик. Уша даврда ўрнатилган ҳайкалтарошлик асарлари бирор-бир маънони англатар эди: билимга чанқоқлик, тинчлик учун кураш ва интилиш, меҳнат жасоратига даъват қилиш ва ҳрқазо.

Аммо, йиллар ўтгач, ҳайкалтарошликда катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги даврга келиб безак, абстракт каби ҳайкалтарошлик йўналишлари ривожланмоқда. Ҳайкалтарошлик соҳасида ижодий иш билан шуғулланувчи санъаткор «очиқ ҳавода» иш юритади — яъни «плинэрга» чиқади — бу дегани, у яратган асарлар очик ҳавога, кўчаларга, дам олиш масканларига, боғларга ўрнатишга мўлжалланган бўлиб, ўша атрофга албатта мослашган бўлиши керак. Бу яратилган асарлар кўринишида ички ва ташқи сирларга эга бўлиб, унинг маъ-



носини очиш учун инсонни фикр юритишга ва чуқур ўйлаш мазмунини англашга ундайди.

Бу борада тошкентлик ҳайкалтарош Корлихонов асарига диққатингизни жалб қилсак. У яратган асар Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўрғазмалар биносининг боғида ўрнатилган.

«Тонг» деб номланган ушбу асарда ўсмир йигит ва қизнинг ёнлашиб турган қиёфаси акс эттирилган. Бу ажойиб асар ўзининг руҳлантурувчилиги, нафислиги, жўшқинлиги билан ажралиб, икки инсоннинг бир-бирига бўлган севгисини ифодалайди. Асарни яратишда оҳак тошдан фойдаланилган. Бу тошнинг ишлатилиши бежиз эмас, чунки унинг оқ ранги — ёруғлик, ҳаёт бағишловчи ва келажакка ишонч рамзидир.

Охирги пайтда ҳайкалтарошлар ўзбек халқининг тарихини ва маданий меросини чуқур ўрганиб, бадий жараёнда улуг аждодларимиз қиёфаларини яратишга муваффақ бўлишди.

Раҳматхон АҚМАЛОВ,
муаллиф олган сурат.

—“PHOENIX” (“Хумо”) квартал бундан икки йил олдин Сан-Франциско консерваториясининг камер мусиқаси бўлимида ташкил этилган,— деди Карнеги-холл Халқаро маданий дастурлар алмашиш лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Ли Энн Пиндер “Туркистон-пресс” мухбирига. — Мазкур лойиҳа АҚШ Давлат департаменти томонидан молиялаштирилади. Лойиҳага кўра, турли давлат мусиқачилари ўз дастурлари билан АҚШ шаҳарларида, жумладан Нью-Йоркда концерт беришади. Ҳар бир босқичда дастур маълум жуғрофий худудни қамраб олади. Айни пайтда, “PHOENIX” жамоаси Марказий Осиё мамлакатларида концерт дастурлари билан иштирок этишади.

Таъкидлаш жоизки, “PHOENIX” қисқа вақт ичида томошабинлар ўртасида шуҳрат қозонди. Бунда албатта, унинг бадий раҳбари Марк Соколнинг хизмати катта. Квартет репертуаридан Людвиг Бетховен,

Йозеф Гайдн, Роберт Патерсон, Чарльз Айвз каби бастакорларнинг асарлари ўрин олган. Ўтган йили Сан-Франциско консерваториясида машҳур скрипкачи Аксел Штраус ҳамда пианиночи Антон Нел ҳамкорлигида ўтказилган концертда квартет муваффақият қозонди. Мишел Маруяма, Жозеф Майер, Райан Муни ҳамда Сюзен Бабинлар АҚШда ўтказилган кўпгина мусиқа фестивалларида ишти-

роқ этишган. Квартет дунё камер мусиқасидаги машҳур мусиқачилар Бонни Хэмптон, Натан Шварц, Гилберт Калиш, Роберт Маннлар билан ҳамкорлик қилишмоқда. Улар бугунги кунда Марказий Осиёда ўтказиладиган уч хафталик сафарда иштирок этиш бахтига муяссар бўлишди. Санъаткорлар Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги мусиқа мактабларида бўлиб, талабалар билан учрашдилар.

**“PHOENIX”
ТОШКЕНТДА**

Пойтахтдаги “Илҳом” ёшлар театрида АҚШлик “PHOENIX” торли квартети мусиқачилари билан матбуот анжумани ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРИ ЯПОНИЯДА

Пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (ЖЕТРО)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан семинар ўтказилди. Унда мамлакатимиздан Японияга озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Ваколатхона Япония инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодийётига жалб қилиш билан бирга, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакасини ошириш, келгусида уларнинг Японияда ўтказиладиган ЖЕТРОнинг ўқув дастурларидаги иштироки ҳам кўзда тутилган.

Анжуманда сўзга чиққан япониялик мутахассислар Ўзбекистон озиқ-овқатлари, уларнинг сифати, турли витаминларга бойлиги ҳақида гапириб, маҳсулотларнинг япон халқига албатта манзур бўлишини таъкидлашди. Японияда озиқ-овқатларнинг кўпгина қисми мунтазам равишда чет давлатлардан келтирилади. Шунинг учун маҳсулотларнинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатга келтириладиган маҳсулотлар бир неча маротаба текширувдан ўтказилади. Табиийки, бу маҳаллий аҳоли саломатлигини асраш борасидаги чора-тадбирлардан биридир. Икки мамлакатни ажратиб турган олти минг километрлик масофадан озиқ-овқатларни тез ва сифатли етказиш чораларини ишлаб чиқиши билан экспорт қилиш ишлари бошлаб юборилади.

Тошкент шаҳар хокимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида "Дилимдасан-пойтахтим" энг яхши эстрада кўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади

Маълумотлар ТТУ телеканали, "Пойтахтинформ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (мини-диск, CD) ёзилиши керак.

Таклифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ, эътиборли ҳаққамлар ва радиомухлислар томонидан танланади.

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Севимли ШАҲРИМ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Марказий Осиёда энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорлик ва Энергетик хартия жараёнининг аҳамиятига бағишланган икки кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон ва Буюк Британия ҳукуматлари ҳамда Энергетик хартия котибияти иштирокида ташкил этилган мазкур анжуманда Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россия, Япония,

Жанубий Корея, Хитой, Туркия ва Эрон каби мамлакатлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва ишбилармон доиралар вакиллари ҳам

катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаниев мазкур тадбир Марказий Осиёда энергетика соҳасидаги минтақавий ҳамкорликда Энергетик хартиянинг аҳамиятига бағишланган биринчи халқаро анжуман эканини қайд этди.

Энергетик хартия котибияти бош котиби Рия Кемпер Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик минтақадagi узок

муддатли иқтисодий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Анжуман иштирокчилари Марказий Осиё энергетика тизимида қулай сармоа муҳитини яратиши, энергиядан фойдаланиши самарадорлигини ошириши стратегияси ҳамда минтақада ва ташқи бозорларда нефть, газ ва электр энергияси транзитини учун мустақкам ҳуқуқий асос яратишига оид масалаларни муҳокама қилди.

ЎЗА

СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ ОЧИЛДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини янги спорт-соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди.

Спорт мажмуининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур университет ректори А.Комилов сўзга чиқиб, спорт давлатимиз шухратини жаҳонга таратиш ва одамлар орасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий этилган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашнинг ўзига хос уч босқичли тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзи мустақкам қарор топаётди, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ўз соғлиғига муносабати ўзгармоқда.

Янги барпо этилган спорт мажмуи замонавий сузиш ҳавзаси, алоҳида тренажер заллари, ювенил, кийим алмаштириш хоналарига эга.

Шу кун университетда баскетбол, футбол, теннис, гандбол, волейбол каби спорт турлари бўйича талабалар мусобақаси ўтказилди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ТИНЧИМАГАН ҚАРИЯ

Номи жаҳонга танилган норвегиялик олим ва саёхатчи 82 ёшли Тур Хейердал яна янги экспедицияга ҳозирлик кўрапти. У бу гал Мароккадаги энг қадимий шаҳарлардан бири Ликсусда қазилма ишларини олиб бормоқчиман. У бу билан Атлантик океани соҳилидаги тахминан ҳозирги Работ ва Панжир шаҳарлари оралиғида жойлашган қадимги Ликсус финикияликларнинг колонияси бўлганлигини, финикияликлар эса эрамингача бўлган минг йилликлардан илгари ҳам нафақат Ўрта ер денгизини, балки ундан ҳам нарироқларга савдо йўллари очганини исботламоқчи.

Тинчимаган қариянинг айтишича, қадимги тараққиётлар бири-бири билан мустақкам алоқада ривожланган. Навбатдаги экспедиция ҳам айнан шу фикрни исботлаш учун мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширади. Тур Хейердал кўлами жиҳатдан қадимги Троядан каттароқ бўлган Ликсус харобаларини ўрганиш режасини анча олдин туза бошлаган эди.

Экспедиция таркибида норвегиялик, америкалик, испаниялик ва марокалик олимлар бор. Археологик қазилма ишларига норвегиялик корчалон-кемасозликнинг таниқли хўжайини Петтер Ульсен ҳомийлик қилмоқда. Қаранг-а, илм-фанга янгилик киритаман деб ният қилганларга ёш ҳам тўсқинлик қилмас экан! Тур Хейердалнинг омадини берсин, қолган олимларга шу қариянинг ғайратидан жиндақина ато этса қани эди!

ТАДБИРЛАР

ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ

Яқинда Тошкент автомобиль йўллари коллежининг биринчи босқич талабалари иштирокида ўтказилган анжуман «Талабалик — олтин даврим» деб номланди.



Мана бир неча йилдирки ушбу билим даргоҳида яхши анъана давом этиб келмоқда. Коллеж раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан ўқув юртида янги ўқишга кирган ёшларни талабаликка қабул қилиш маросими тантанали, байрамона тарзда ўтказиб келинмоқда.

2003-2004 ўқув йилида коллежга қабул қилинган етти юздан ортиқ билим ва касб-хунарга чанқоқ ўғил-қизларимизнинг илк талабалик ҳаёти ҳам ана шундай ёддан ўчмайди тантаналар билан бошланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган ёшларни талабаликка қабул қилиш маросимида иштирок этаётган кўлларида даста-даста гуллар тугган кечани мактаб ўқувчилари бўлган йигит-қизларнинг юзларида табассум, кўзларида гурур акс этарди. Ахир гурурланмай бўладими, улар энди талаба бўлишди.

Мураббий ва талабалар билан биргалликда мамлакатимиз автомобилсозлиги, йўл қурилиши, давлат автомобиль назорати соҳаларида кўп йиллар хизмат қилиб келаётган фахрийлар, ўқув даргоҳини битириб кетган собиқ ўқувчиларнинг тадбирга ташриф буюриши унга ўзгача файз киритди. Талабалар тадбирга ташриф буюрган меҳмонларни гуллар билан қут-



лашди. Кечда сўзга чиққанлар ёшларни ушбу қутлуг даргоҳнинг талабаси бўлганликлари билан табриклаб, уларга илм сарчашмалари ҳамда касб-хунар сирасорларидан баҳраманд бўлишларида муваффақиятлар тилади. Шунингдек, талабаларни ушбу ўқув даргоҳининг иб-

ратли анъаналарига содиқ бўлишга, ўзларининг аъло ўқишлари ва намунали хулқлари билан коллежнинг нуфузини янада оширишга даъват этиб, келгусида ўқишларида омад ва зафарлар тилашди.

Шу кунги ўқув юртида тахсил олаётган юқори босқич талабалари билим даргоҳига янги қабул қилинган ўқувчиларга коллежнинг рамзий калити ва талабалик синон дафтрасини топширдилар. Шундан сўнг талабалар яқдиллик билан талабалик қасамёдини қабул қилдилар. Тадбир сўнггида коллежнинг драма тўғараги қатнашчилари томонидан талабалар ҳаётидан қизиқарли сахна томошалари кўрсатилди ва куй-кўшиқлар ижро этилди. Шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросида Фафур Фулом асари асосида сахналаштирилган «Ўтган замон хангомалари» спектакли намойиш этилди.

Ўйлаймики, ушбу тантанали кун ўқув юрти талаба-ёшлари хотирасида узок вақт сақланиб қолади.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент Автомобиль ва йўллар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлими ходими.
СУРАТЛАРДА: «Талабалик — олтин даврим» тадбиридан лавҳалар.

